ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 26 июл, чоршанба № 124 (2173)

Ушбу сонда:

2 ҚОПҚАНГИЗНИ ЧЕРТСАК МАЙЛИМИ?

3 «ЧОРТОҚ» Ўзбекистондаги биринчи сиҳатгоҳ

4 УМУМБАШАРИЙ ТАЪЗИМ ВА ЭҲТИРОМ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида

***Иқтисодиётда хусусий мулкчиликни янада кенгайтириш ва унинг ролини ошириш, бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, хусусийлаштирилган корхоналар билан банд бўлган ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек уй-жой бозори ва ипотекани ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш мақсадида:***

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари - резидентлар мулкий ҳуқуқ асосида ўзларига қарашли ёки улар томонидан хусусийлаштириладиган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек мазкур объектларга туташ ер участкаларини қўлланиладиган технология жараёнлари, шаҳар қурилиши норма ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган миқдорда хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ушбу бандда назарда тутилган ер участкаларини хусусийлаштириш бозор қийматидан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкка эгалик ҳуқуқини расмийлаштирган ҳолда ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

2. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ хусусийлаштирилмаган, Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари - резидентлари томонидан доимий фойдаланиб келинаётган ер участкалари 2008 йилнинг 1 январига қадар эллик йилгача, аммо ўттиз йилдан кам бўлмаган узоқ муддатли ижарага қайтадан расмийлаштирилиши лозим.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи шартномада кўрсатилган муддат тугамасдан тўхтатилиши ёки ижарага олинган ер участкаси майдони қисқартирилиши мумкин.

3. 2008 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари - резидентларига якка тартибда уй-жой қуриш ва тураржой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи берилсин.

Бунда якка тартибда уй-жой қуриш ва тураржой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкалари қуйидаги тартибда хусусийлаштирилади: ушбу Фармон чиққан пайтда амалда эгаллаб турилган ва ўрнатилган тартибда берилган кадастр ҳужжатларида белгиланган чегара ва миқдорда доимий фойдаланиш ёки умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгалик ҳуқуқи билан участкаларга эга бўлган фуқаролар томонидан ихтиёрийлик асосида; ер участкаларини якка тартибда уй-жой қурилишига ким ошди асосида қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда сотиш чоғида, кейинчалик мулкка эгалик ҳуқуқини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш; томонлар - кўчмас мулкни бегоналаштираётган ёки сотиб олаётган (қабул қилаётган) шахснинг аҳдлашуви бўйича якка тартибдаги уй-жойни сотиш ёки ҳадя этиш (яқин қариндошлар бундан мустасно) чоғида мажбурий тартибда.

4. Қуйидагилар белгилансин: кадастр ҳужжатларида белгиланган чегара ва миқдорларда якка тартибда уй-жой қуриш ва тураржой биносига хизмат кўрсатиш учун берилган ер участкаларини хусусийлаштириш қатъиян бозор нархлари бўйича амалга оширилади; фуқаролар томонидан якка тартибда уй-жой қуриш ва тураржой биносига хизмат кўрсатиш учун ер участкаларини олишда илгари тўланган қиймат ким ошди савдолари натижалари бўйича ер участкаларини хусусийлаштириш учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш чоғида ҳисобга олинади; хусусийлаштирилган ер участкаси оборотда, жумладан харид қилиш - сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш, мерос, фойдаланиш (ижарага бериш) бўйича битимлар тузишда чекланмаган, гаров, шу жумладан банклар ва бошқа кредит муассасаларидан кредит олиш учун гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2007 йилнинг 1 октябригача бўлган муддатда юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш чоғида бозор нархларини белгилаш учун асос сифатида қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга бўлмаган ерлар кадастрини ишлаб чиқсин ва апробациядан ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, «Давархитектқурилиш» давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги 2006 йилнинг 1 октябригача: юридик шахсларга тегишли бино ва иншоотлар билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳамда бозор қийматини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни; бино ва иншоотлар билан банд бўлган ер участкалари, шунингдек ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган уларга туташ участкаларнинг чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни; якка тартибда уй-жой қуриш ва тураржой биносига хизмат кўрсатиш учун бериладиган ер участкаларини хусусийлаштириш ва уларнинг бозор қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомни; ер участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

7. Белгилансинки, ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар давлат бюджетига тўлиқ ўтказилади ва 80 фоиз миқдори республика бюджетига ҳамда 20 фоиз миқдори тегишли маҳаллий бюджетларга йўналтирилган ҳолда инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштиришда мақсадли фойдаланилади. Бунда ер участкаларини хусусийлаштиришдан республика бюджетига тушадиган маблағларнинг камида 3 фоизи инвентаризация, муҳандислик инфратузилмаси бош режалари ва схемаларини ишлаб чиқиш ҳамда тузатишлар киритиш, ер кадастрларини шакллантириш ва иқтисодий зоналарга ажратиш бўйича қилинадиган сарф-харажатларни қоплашга йўналтирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2006 йил 24 июл



## ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ АВЖИДА

*Мамлакатимиз бугунги кунда улкан бунёдкорлик майдонини эслатади. 2007 йилнинг охирида фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл қурилишида айни пайтда ишлар авж палласида.*



*«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси қурувчилари томонидан бунёд этилаётган янги линияда 1200 нафардан ортиқ киши кечаю-кундуз меҳнат қилмоқда. Шунингдек, бу борадаги ишларга 250 дан зиёд турли русумдаги техникалар жалб этилган.*



*Чошмаихофизон, Ақработ, Дарбанд участкаларидаги кўприк қурилишида меҳнат қилаётган 13-Тахиатош, 14-, 67- Тошкент отрядлари амалга ошираётган ишларга тан бермай иложи йўқ. Ҳозиргача «Деҳқонобод-Бойсун» йўналишида режалаштирилган 38 та кўприкдан 23 таси қуриб битказилган. 15 та кўприкдан бештасини япониялик мутахассислар қуради. Айни пайтда японлар тендер асосида танлов эълон қилган. Шунингдек, бу ерда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компаниясининг махсус кўчма машина станцияси ишчилари ҳамда йўлсозлари астойдил меҳнат қилмоқда.*

*Мураккаб табиий ва географик шароитда олиб борилаётган ишлар эса темирйўлчиларнинг Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига совғасидир.*

***Суратларда: «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» йўналишидаги темир йўл линияси қурилишидан лавҳалар.***

**Муҳаммад АМИН**
**(ЎзА) олган суратлар**

*Меъморчиликнинг илдам одимлари*

## НАВОИЙ — АФСОНАЛАР ШАҲРИ

***Президентимиз воҳа фаоллари билан ўтказилган учрашувларнинг бирида «Навоий вилояти деганда — аввало кўз олдимизга буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий номини шарафлаб келаётган кўнгли очиқ, заҳматкаш, саховатли инсонлар, бунёдкорлик билан банд бўлган кўпмиллатли халқни ўзимда тасаввур қиламан» деган эди.***

***Бухорога туташ жазирама Малик чўлида қад кўтарган, замонавий шаҳарсозликнинг ёрқин тимсоли саналган Навоий шаҳри ҳақида ҳар қанча гапирса оз.***

Бу замин тарихи неча минг йилларга бориб тақалади. Қадимий саклар, хоразмийлар, бақтрияликларнинг маданият ўчоқлари қолдиқлари шу заминда топилган.

Замонлар эстафетасини бугунги кунда мустақил Ўзбекистон бунёдкорлари давом эттирмоқдалар. Кудратли замонавий техника, юксак малакали мутахассислар қадимий заминга қайтадан жон ато этиб, бу ерда ўзига хос шаҳарсозлик маданиятини барпо этмоқдалар.

Шаҳарни бунёд этишда меъмор ва қурувчилар табиий-иқлимий, техникавий ва ижтимоий муаммолардан иборат бир талай қийинчиликларга дуч келдилар. Қум бўронларию 40 — 43 даражагача кўтариладиган жазирамада жон сақлаш учун тангадек соя топилмайдиган Қизилқум саҳроси этакларида кўркам бинолар, суғориш иншоотлари, йирик саноат корхоналарини кўриб, кишининг ақли шошади. Кўм-кўк дов-дарахтларга бурканган, сувлари шарқираган фавворалари жонга роҳат бағишлаган баҳаво маъво Сизни ўз қучоғига олади.

Ўлкамиз саноатининг қалби — ёшлик ва нафосат шаҳри Навоий бугун республикамизнинг етакчи саноат марказларидан бирига айланди. Минерал ўғит, аммиак ва нитрон сунъий толаси ишлаб чиқарувчи 10 мингдан ортиқ киши ишлайдиган «Навоийазот» бирлашмаси, ўсимлик дунёсига дори-дармон етказиб берадиган электрохимия заводи, мингга яқин аҳоли меҳнат қиладиган Навоий тоғ-металлургия комбинати, вилоятнинг электр негизини ташкил этадиган Навоий ГРЭСи, Ўзбекистондаги энг йирик, 2 мингдан ортиқ киши ишлайдиган «Қизилқумцемент» акциядорлик жамияти — республика аҳамиятига молик иншоотларнинг унча тўлиқ бўлмаган рўйхати ана шулардан иборат. Озиқ-овқат ва маҳаллий саноат муассасалари, пахта тозалаш заводи, нон маҳсулоти комбинати, паррандачилик фабрикаси каби корхоналарда ҳам меҳнат сурурини хис қиламиз.

Замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қурилган вилоят марказида ишлаб чиқариш корхоналари шаҳарнинг ғарбий чеккасидаги саноат зонасида, турар-жой майдони чегарасидан икки километр нарида қад кўтарган. Уч қатор дарахтзор билан ихоталанган бундай масофа саноат чиқиндилари туғдириши мумкин бўлган заҳарланишдан шаҳарни муҳофаза этади. Корхоналарнинг шамол йўлига кўндаланг қилиб тикланиши турар-жой биноларини кучли шамолдан сақлаш имкониятини беради.

— 1961 йилда ишлаб чиқилган шаҳар бош лойиҳасига мувофиқ Навоий шаҳри 50 минг нафар аҳолига режалаштирилган эди, — дея ўз мулоҳазаларини бошлайди шаҳар ҳокими Бахтиёр Ҳамдамов. — Унинг 70 минг нафаргача ўсиши ҳам назарда тутилганди. Бироқ, саноат воситаларининг шиддат билан ривожланиши натижасида аҳоли сони ҳозирги пайтда 155 минг нафардан ҳам ошиб кетди. Бу ҳол шаҳар бош лойиҳасига зудлик билан тузатишлар киритиб, пировардида аҳоли нуфузининг 300 минг нафаргача ўсишини кўзда тутадиган янги шаҳар лойиҳасини тузишга мажбур этди. Яхшиямки, даставвал қабул этилган очиқ йўлли лойиҳа тарҳининг шарофати билан масала ортиқча қийинчилик туғдирмади.

Шаҳар ҳар қандай кишини ўзига ром қилади. Бири-биридан фусункор, кўркам бинолар, мўъжаз даҳалар бамисоли ипга чизилган мунчоқдек ўз тароватини кўз-кўз қилиб туради. Айниқса, «Халқлар дўстлиги», «Ғалаба», «Амир Темур» сингари шоҳ кўчалардаги ҳар бир иншоот пухта ўйланиб, узукка кўз қўйгандек жойлаштирилган. Савдо ва жамоат марказлари жойлашган бир-икки қаватли бинолар орасида қад кўтарган баланд турар-жойлар ўзига хос жозибадорлик касб этади. Энг асосийси, айрим шаҳарлардагидек тиғизлик сезилмай, аҳолининг эркин истиқомат қилиши таъминланган.

Кундузи ерга тангадек офтоб туширмайдиган турфа дарахтлар ҳордиқ чиқариш учун ҳам яхшигина шароит туғдиради. Сон-саноқсиз ҳовузлар, ариқлар, фавворалар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Шаҳарда бир вақтлар 16 гектарлик «Жанубий боғ» истироҳат гўшасига асос солинган бўлиб, у тез орада ҳудуд аҳлининг кўнгилочар ҳордиқ чиқариш марказига айлантирилган эди. Шаҳарнинг ўсиши билан «Шимолий боғ» ҳам қурилиб, ишга туширилди. Бу боғ 70 гектарлик майдонни эгаллаган бўлиб, унинг қоқ ўртасида 20 гектарлик сунъий кўл мавжланиб туради. Бу кўл чўмилишга келганларни ҳам, спортчи ва ҳаваскор эшкакчиларни ҳам бемалол бағрига сиғдира олади.

Шаҳар марказининг диққатга сазовор иккинчи бўлаги «Фарҳод» маданият саройи биносидир. Шунингдек, «Ширин» ёш томошабинлар театри, «Наврўз» ва Карманадаги Алишер Навоий номли маданият саройларининг тароватни ҳам бир-биридан қолишмайди.

Шаҳар марказидаги Маданият саройи олдида ястанган майдонда мағрур қоматини кериб турган алп йигитнинг ҳайкали қад кўтариб туради. Бу Алишер Навоий достонининг афсонавий қаҳрамони Фарҳод тимсолидир. Қояни эслатувчи ҳайкал пойидаги Фарҳод тешаси зарби билан очилган туйнукдан обиҳаёт фаввора бўлиб отилиб чиқмоқда.

Мазкур ҳайкал шаҳарнинг рамзи ҳисобланади: у замондошларимиз жасоратини шарафлайди, мардлик ва матонат ифодаси, башарият онги ҳамда тафаккурининг, эркин меҳнатининг тантанасидек жаранглайди.

Ундан нарида саф тортган яна қанчалаб фавворалар ўртасида уч дарё — Амударё, Сирдарё ва Зарафшонга бағишланган «Ўзбекистон дарёлари» аталмиш ғоят чиройли сунъий кўл анча олисдан ойнадек товланиб туради. Шамшод қаддиларини тик тутган уч ўзбек қизи сув тўла кўзаларни кўтарганича битта-битта юриб кетишяпти. Мазкур ҳайкалларнинг вазмин, улуғвор қиёфаси бамисоли чўлларга жон киритиш учун ҳаёт тўлқинлари билан оқиб кетаётган уч дарёни эслатади.

Шаҳарнинг бош майдонидан бошлаб, охири шу ерга келиб тўхтайдиган хиёбонида Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатиш мўлжалланган. Бу ҳайкал Рудакий, Умар Хайём, Низомий сингари буюк сиймолар ҳайкаллари саф тортган ва яқин келажакда барпо этилиши амалга оширилаётган «Шоирлар боғи»нинг асоси ҳисобланади.

Ранго-ранг жаннатий гуллар, фавворалар, шарқона салобатга эга бўлган тўкин бозорлар, стадионлар, кўплаб олийгоҳ ва касб-ҳунар коллежлар, академик лицей ва бошқа муассаса ҳамда иншоотлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Шу кунларда шаҳарнинг 50 йиллиги олдидан кенг қамровли тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Ҳозирги кунда Навоий шаҳрининг барча меҳнаткашлари вилоятнинг, қолаверса, мустақил давлатимизнинг келажаги учун самарали меҳнат қилишмоқда. Давр уйғунлигига хос бундай изланишлар юрт ободлиги, элимиз фаровонлиги йўлида ўз самарасини кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*«Бандлик» дастури амалда*

## КАСАНАЧИЛИК ҲИСОБИГА

### янги иш ўринлари

***Хоразм вилоятида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бунинг асосида янги иш ўринларини яратиш борасида бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан бу борада дастур ишлаб чиқиш жараёнига жойлардаги ҳокимликлар, давлат мулки қўмитаси, маҳалла жамғармаси, хотин-қизлар қўмиталари, савдо-саноат палатаси, меҳнат бўлимлари вакиллари жалб қилиниб, аҳолининг кўпроқ қайси иш турлари билан шуғулланишлари, қизиқишлари инобатга олинди.***

— Ишларимизни янада ривожлантириш мақсадида маҳалла ҳудудларидаги бўш турган бинолардан келгусида фойдаланиш йўллари ўрганилмоқда, — деди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Бобоёз Қурбонов. — Шунингдек, фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватидан унумли фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Режага асосан улар ҳисобига 4948 та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига 8764 та иш ўринлари яратилади. Янги объектларни ишга тушириш ҳам бу борадаги имкониятларимизни кенгайтирмоқда.

Олиб борилган ишлар юзасидан жорий йилнинг ўтган даврини таҳлил қиладиган бўлсак, шу кунгача 9978 та янги иш ўринлари яратилганининг гувоҳи бўламиз. Бунинг барчаси юқорида айтиб ўтилганлар қаторида янги фермер хўжаликларини ташкил қилиш, меҳнат шартномаси асосида касаначилик билан шуғулланиш ҳамда оилавий тадбиркорликни, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига амалга оширилди. Бунда бюджет, тижорат банклари кредитлари, аҳоли ва корхона, шунингдек, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат ҳамда бошқа жамғармалар маблағларидан фойдаланилганлигини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Режага асосан кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил қилиниши ҳисобига яратилган иш ўринлари 1258 та бўлиб, шу кунга қадар бу 1753 та қилиб бажарилди.

Кўриниб турибдики, аҳолини иш билан таъминлаш борасида вилоятда кўзга кўринарли ишлар қилинмоқда. Айниқса, Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги Фармонига кўра олиб борилаётган ишлар ижобий самара бермоқда. Бу муҳим ҳужжат аҳоли бандлигини таъминлашда катта имкониятлар очиб берди. Айниқса, қишлоқ жойларида иш билан банд бўлмаган аҳолини уйда маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ишларига жалб қилишда иш берувчиларга имтиёзлар берилди.

Уй меҳнатини ташкил қилиш марказлашган ҳолда амалга оширилаётгани ўз самарасини бермоқда. Сабаби, уйда ўтирган аёлда тикув машинаси бор-у, аммо маблағ йўқ. Бундай вақтда, шубҳасиз, уларни маҳсулот билан таъминлаб, буюртма бериб, сотилишини таъминлаш анча қўл келади. Қилинаётган ишлар учун 296,2 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланиб, ҳозиргача 719 та иш ўринлари ташкил этилди. Шу жумладан, имтиёзлардан фойдаланган ҳолда йирик корхоналар билан ҳамкорликда касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 99 та, имтиёз ва қулайликлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган кичик корхона ҳамда микрофирмаларда 525 та янги иш ўринлари яратилди. Бунинг учун 131,2 миллион сўм сарфланди.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг ўзига хос томонларидан бири шуки, бунда фуқароларимиз нафақат иш билан таъминланиб қолмасдан, балки ўша хизмат турларидан ҳам баҳраманд бўлишади. Шу ўринда бозор инфратузилмасининг ҳам эътиборга молик томонларини таъкидлаш ўринли. Жумладан, қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида очилган минибанклар ҳисобига ширкатларни фермер хўжаликларига айлантиришда бўшаб қолган ёқилғи-мойлаш шохобчаларини хусусийлаштириш, бозор ҳудудлари яқинида жойлашган интернет ва компьютердан фойдаланиш, таъмирлаш, нусха кўчириш каби кичик шохобчаларни очиш ҳисобига 208 та янги иш ўрни яратилгани ҳам бу борадаги самарали ишлардан биридир.

**Роза САЙДАҲМЕДОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

# ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК!

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишни эркин амалга ошириш ҳуқуқини беради.**

## ВАСИЯТНОМА ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Бу ҳуқуқ ҳар бир фуқарога ўзига тегишли бўлган шахсий ва хусусий мулкини, мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзи вафот этганидан кейин тасарруф этиш бўйича хоҳиш-иродасини ифода этадиган фармойиш қолдириш имконини яратади. Бундай фармойиш васиятнома деб аталади ва у шахсан васият қолдирувчи томонидан тузилади. ФКнинг 1124-моддасига мувофиқ восиятноманинг ёзма шакли белгиланиб, ёзилган жойи ва вақти кўрсатилиши шарт. Васиятнома васият қолдирувчининг шахсан қўли билан ёзилган ва имзоланган бўлиши керак.

Васиятнома бир томонлама битим ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг битимлар тўғрисидаги қоидаларига тўла бўйсунади. Битим тушунчаси ФКнинг 101-моддасида баён этилган бўлиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини янгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатга айтилади.

Васият қилиш эркинлиги фақатгина тўла муомала лаёқатига эга бўлган фуқароларга берилган. Муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўзларининг мол-мулкларини васият қилиб қолдиролмайдилар. Улар номидан васиятнома ФКнинг 30-моддасига асосан қонуний вакиллар томонидан амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, муомала лаёқати чекланган шахслар ФКнинг 31-моддасига асосан битимларни ўзларининг қонуний вакиллари розилиги билан амалга оширадилар.

Васиятнома қонунда белгиланган шаклда ва тартибда тузилиб, фақат қонун билан ҳуқуқ берилган мансабдор шахслар томонидан гувоҳлантирилган бўлиши шарт.

Васият қолдирувчи фақатгина ўзига тегишли бўлган мулкни, шу билан бирга ўзига тегишли бўлган мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мерос очилиш пайтида унга тегишли бўлган ёки тегишли бўлиши этҳимоли бўлган мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳам васият қилиши мумкин.

Агар васият қолдирувчи васиятномада ўзининг барча мулкини васият қилиш ҳақида фармойиш берган бўлса, унинг ҳамма мулки, шу жумладан уй-жой, автомашина ва бошқалар васият бўйича меросхўрларга ўтади.

Васият қолдирувчи ўзига тегишли бўлган мол-мулкни тўлиқ ёки унинг муайян бир қисмини хоҳлаган бир ёки бир нечта шахсларга васият қилиб қолдириши мумкин.

Васиятнома қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган шахсларга, шу билан бирга давлатга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёки бошқа юридик шахсларга ҳам берилиши мумкин.

Васият қолдирувчи ўзининг васиятномасидаги фармойиши билан қонун бўйича меросхўрларнинг ҳаммасини, бир нечтасини ёки биттасини меросдан маҳрум қилишга, айрим меросхўрларнинг ҳиссаларини кўпайтириш ёки камайтиришга ҳақли. Васият қолдирувчи ўзининг бундай ҳаракатларининг сабабини тушунтириб беришга мажбур эмас.

Васиятномада ворис сифатида кўрсатилмаган меросхўр васият қилинмасдан қолган мулкка қонун бўйича ворис бўлиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Мерос очилмасдан вафот этган ёки меросдан воз кечган васият бўйича меросхўрга васият қилинган мулкни олиш ҳуқуқи қонун бўйича меросхўрларга ўтади.

Васият қолдирувчининг жисмоний нуқсони, касаллиги ва саводсизлиги оқибатида васиятномани ўз қўли билан ёзиб, имзолаш имконияти бўлмаганда, унинг илтимосига кўра бошқа шахс томонидан ёзилиб, имзоланиши мумкин. Бунда албатта, васиятномани гувоҳлантирувчи нотариус ёки қонун билан васиятномаларни гувоҳлантириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахс иштирокида, васиятнома васият қолдирувчининг ўз қўли билан ёзиб, имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилиши шарт.

Васиятнома бу васият қолдирувчининг эркин ифода этувчи акт (ҳужжат) ҳисобланади. Бу маънода васиятнома бир томонлама битим бўлиб, уни тузиш учун қонун ҳужжатларига асосан бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли.

Битимлар деб ЎзР ФКнинг 101-моддасида баён қилинганидек, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади.

Бундай ҳолатда васият қолдирувчи шахсан ўзи, ўз эрки билан меросхўрга ўзининг мол-мулкига нисбатан маълум бир ҳуқуқини белгилаб беради. Ворисни қандай сабабга кўра меросдан маҳрум қилганлигини мерос қолдирувчи тушунтиришга мажбур эмас.

ФК 1120-моддасининг 7-бандида мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда ўзгартириши ёки бекор қилиши борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 30-моддасига асосан нотариал ҳаракатлар нотариат идораси ёки фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бинода амалга оширилиши керак, фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра давлат нотариат идорасига, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурига бора олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда амалга оширилиши мумкин.

Оғзаки шартномалар тузиш, ҳар хил техник воситалар ёрдамида васият қолдирувчи сўзидан бўлса ҳам ёзиб олинган васиятномалар ҳақиқий ҳисобланмайди ва бундай тартибда тузилган васиятномаларни ҳақиқийлигини гувоҳлар кўрсатмалари ёки бошқа далилларга асосан суд йўли билан тасдиқлашга ҳам йўл қўйилмайди.

Ушбу Қонуннинг 23-моддасига асосан васиятномаларни тасдиқлаш давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар (24-модда), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) (25-модда), шунингдек Ўзбекистон Республикаси чет элларда консуллик муассасаларининг консуллари (28-модда) томонидан амалга оширилиши мумкин.

«Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасига асосан мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалардан битта нусхасини васият қилувчи доимий яшайдиган давлат нотариал идорасига сақлаш учун юбориши шарт.

Давлат нотариуси сақлаш учун келиб тушган васиятномани шакли ва тартиби жиҳатидан қонунга мувофиқ тузилганлигини аниқлайди, номувофиқлиги аниқланганда, васият қолдирувчига ва васиятномани тасдиқлаган шахсга хабар қилиши керак.

Амалиётда бундай васиятномалар васият қолдирувчи томонидан бевосита вафоти олдидан тузилган бўлади. Низо чиққанда уларнинг ҳақиқийлиги фақат мерос очилгандан кейин суд томонидан ҳал қилинади.

ФКнинг 1126-моддаси ва «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддаси талабига кўра нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар кимлар томонидан тасдиқланиши кўрсатилган.

Васият қолдирувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилиш ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, уни бир нусхаси нотариал идорасида сақланади, бир нусхаси васият қолдирувчи қўлида бўлади.

Васиятномани ўзгартириш фақатгина янги васиятнома тузиш йўли билан амалга оширилади. Бундан ташқари, кейинги тузилган васиятнома олдинги васиятномани бекор қилмасдан ёки ўзгартирмасдан, унинг қўшимча фармойишлари билан тўлдирилиши ҳам мумкин.

ФКнинг 1130-моддасида белгилаб қўйилганидек, тегишли шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризалар мерос очилган пайтдан бошлаб уч йил муддатда суд томонидан кўрилиши мумкин.

**Н.КАРИМОВ,**
**Республика Бош прокуратураси судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари,**
**Д.МАДИЕВ,**
**журналист-ҳуқуқшунос**

*Прокурор танқид қилади*

**Ҳунар – турмушнинг моддий ва маънавий асосларидан бири. Ҳунарсиз киши ҳаётда ҳар томонлама қийналиши тайин. Ҳунарли киши эса ўз ризқини топа олади. Ҳар қандай шароитда мушкул ишларни бартараф этиб, ёруғ кунларни қарши олади.**

## ҚУЛАЙЛИКЛАР КИМ УЧУН?

Мустақил мамлакатимизда ёшларнинг касб-ҳунарни пухта ва мукаммал эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар тўлалигича яратиб берилган. Бу қулайликлар қалбдан ҳис эта олинса, келажакда унинг сархил меваларини териш мумкин.

Туманимизда Челак транспорт, Пойариқ қишлоқ хўжалик, Пойариқ енгил саноат, Пойариқ маиший хизмат ҳамда Челак қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари мавжуд бўлиб, улар ёшларимизнинг танлаган касб-ҳунар сирларини тўла эгаллашига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Туман прокуратураси томонидан мазкур ҳудудда жойлашган касб-ҳунар коллежларида таҳсил олувчи ёшларнинг таълим-тарбияси, соғлиғини муҳофаза қилиш, бўш вақтларини қандай ўтказаётганликлари ўрганилганда, талай ишлар амалга оширилгани маълум бўлди. Мазкур даргоҳларда таҳсил олаётган чин етимлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига яхши шароитлар яратиб берилган. Ўқув хоналари замонавий услубда жиҳозланган. Дам олиш ва ётоқхоналардаги қулайликларни айтмайсизми. Баскетбол, волейбол, кураш, теннис ва футбол бўйича ишлаб турган оммавий спорт секциялари ҳар бир ёшни ўзига жалб қилмай қолмайди.

Аммо яратилган бундай шарт-шароитлар ҳар доим ҳам кўз қорачиғидай асраб-авайланаётгани йўқ. Давлатимиз томонидан катта маблағлар эвазига сотиб олинган жиҳоз ва ноёб ускуналарга бўлган лоқайдликларча муносабат кишини ташвишга солади. Масалан, Челак қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини олайлик. Масканнинг спорт залидаги ҳолат мутлақо санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. Ювиниш хоналари қаровсиз ҳолатда.

Айрим фан кабинетларида ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин. Пойариқ енгил саноат касб-ҳунар коллежи ҳам «тозалик» бобида олдингисидан қолишмайди. Ҳунар маскани буфетида ҳеч қачон санитария-гигиена қоидалари билан ҳисоблашилмайди. Ювувчи-зарарсизлантирувчи воситалардан бирор маротаба бўлса-да, фойдаланилмаган.

Бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш юзасидан жойларга 4та тақдимнома киритилди, 1 нафар шахс интизомий, 22 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилиб, улар томонидан етказилган жами 116 минг сўмлик моддий зарар ихтиёрий равишда ундирилди. Шунингдек, 5 нафар шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликка оид, қўпол қонун бузилиши ҳолати бўйича 1 та жиноят иши қўзғатилди.

**Хуршид СУБХОНҚУЛОВ,**
**Пойариқ туман прокурори**



*Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани ИИБ ходимлари ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартибини назорат қилиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор профилактик тадбирларни амалга оширмоқдалар. Шу боис ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда сезиларли натижаларга эришилаяпти.*

***Суратда:* (ўнгдан) туман ИИБ ҲООБ катта инспектори, катта лейтенант Азамат Хўжамов ҳамкасби катта лейтенант Қаҳрамон Азимов билан.**

**А.ХУДОЁРОВ олган сурат.**

**«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар».**

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси).

**Турмуш ва меҳнат фаолиятимизда қонунга таянамиз. Уни билиш зиёлилик мезонидир. Бироқ, айрим ҳолларда кўра-била туриб қонунни поймол қиламиз, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини менсимаймиз.**

**Навбатдаги йиғилишда бошлиқ Эркин Носиров ўт-олов бўлиб ёнди. Бир қатор ходимлар бошида калтак синди. Назоратчилардаги бўшанглик, лоқайдлик, уқувсизлик қимматга тушаётганлиги қайд этилди. 4 нафар назоратчидан ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиш талаб этилди.**

## ҚОПҚАНГИЗНИ ЧЕРТСАК МАЙЛИМИ?

Ана шундай қувғинга учраганлардан бири Йўлдош Ҳасанов эди. Севимли ишидан ажрашни истамаган йигит чор-ночор бошқа вазифага ўтказишларини сўраб ариза берди...

Сайхунобод туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи муовини М. Жўнишев аризага бирров кўз югуртириб «режани бажармаганлиги сабабли ишдан озод этишингизни сўрайман» дея жимжимадор виза қўйди. Корхона раҳбари Эркин Носиров ҳам ҳеч ўйланмасдан «М.Жўнишевнинг таклифига қаршилигим йўқ дея имзосини босди. Бошлиқлар фикри акс этган ариза ҳиёл ўтмай, «Сирдарёэлектртармоқлари» ОАЖнинг раиси Абдужаббор Ражапов қўлига тушди. Касаба уюшма қўмитаси раиси Ш. Мирзабековга ва ходимлар бўлими бошлиғи Х.Омоновага «Ўрнатилган тартибда ҳал этинг» дея кўрсатма берди. 2006 йил 30 май куни 90-сонли буйруқ тайёрланди. Унга кўра 2006 йил 1 майдан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 99-моддасига асосан Й. Ҳасанов ўз аризасига мувофиқ ишдан бўшатилди.

Бир сўз билан айтганда, Йўлдош Ҳасановга бу даргоҳ қопқалари ёпилган эди. Раҳбарлардан адолатли қарор кутган йигит тушкунликка тушмади. Чунки у тақдирининг бу тарзда ҳал этилганлигидан бехабар эди. Унга ҳеч ким на буйруқдан кўчирма берди, на меҳнат дафтарчасини топширди. Бошлиқнинг ишдан бўшадинг, деган сўзларидан қаноатланмади. Бироқ ишга қўйишмагач, бекорчиликдан зада бўлиб, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилояти вакиллигига мурожаат этди. Вакиллик ҳуқуқшуноси Валижон Мадиминов енг шимариб ишга киришди.

— Хўш, иш берувчи ходим тақдирини ҳал этишда ҳақ йўлни тутдими? Келинг, воқеага ойдинлик киритайлик. Йўлдош Ҳасанов 2006 йил 8 февралда 38 — буйруқ, 1511-сонли меҳнат шартномасига асосан 3 ой синов муддати билан ноаниқ вақтга, 30 минг 425 сўмлик маош белгиланиб, назоратчи вазифасига ишга олинган. Аммо, Сайхунобод туман электр тармоқлари корхонасининг тартиб рақамисиз ва бўлиб ўтган куни санаси кўрсатилмаган умумий йиғилиш баённомасига асосан апрел ойи кўрсаткичлари юзасидан 4 нафар назоратчини ишдан озод этиш таклифи мажлис қатнашчилари томонидан тасдиқланган. Энг таассуфланарли жиҳати, Йўлдош Ҳасанов аризаси мутлоқ ўқиб кўрилмаган. Ахир аризачи тазйиқ остида бўлсада, бўшаш эмас, аксинча бошқа енгилроқ иш сўраяпди-ку. Қолаверса, ариза шу йилнинг 22 апрелида берилган. Бироқ 23 май куни — бир ойдан сўнг буйруқ чиққан. Устига-устак, 23 майдаги 90-сонли буйруқда Й.Ҳасанов 1 майдан ишдан бўшатилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Ҳақли савол, «Сирдарёэлектртармоқлари» ОАЖ масъул ходимларига аризани ўз фурсатида кўриб чиқишга нима халақит берди экан. Қолаверса, ариза мазмуни билан танишилганида, ноқонуний ҳолат юз бермасди. Қонунда ходимнинг бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги аризасидан сўнг келишув тузилиши, бир ой муҳлат ичида бошқа иш бор ёки йўқлиги тўғрисида ёзма жавоб берилиши керак эди. Боз устига ходимлар бўлими бошлиғи Хамида Омонова буйруқ тайёрлашда на касаба уюшма қўмитаси, на ташкилот ҳуқуқшуноси билан маслаҳат қилган. У томдан тараша тушгандек, буйруқ тайёрлаб, бошлиққа имзо чектирган. Ўз фурсатида иш берувчи томонидан Меҳнат Кодексининг 108-моддаси қўпол тарзда бузилган. Ходим буйруқ билан таништирилмаган, меҳнат дафтарчаси ҳамда тегишли иш ҳақини ўз вақтида олмаган.

— Мазкур жамиятда рўй берган қоидабузарликка ўз фурсатида чек қўйилди, — дейди Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилоятидаги вакили Тоҳир Умарқулов. — Ноқонуний ишдан бўшатилган Йўлдош Ҳасанов ўз вазифасига тикланди. Мажбуран бекор юрган кунлари учун меҳнат шартномасида кўзда тутилган ойлик маоши тўлиқ ундириб берилди.

Ҳақ жойида қарор топди. Касаба уюшмаси аралашуви билан ходим ўз иш ўрнига қайтди. Аммо инсон тақдирига бефарқ бўлганларчи? Улар ўз хатоларидан хулоса чиқардиларми?

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Жиноят ва жазо*

**Инсон вужудида эзгулик қони ҳамиша ҳам оқавермайди. Ундаги салбий ҳолатлар, айниқса, ёвузлик ҳисси қонни бузиб, меҳр-муҳаббат, иймон-эътиқодни сиқиб чиқаради. Натижада, қон айнийди. Ундан заҳаргуллар юз оча бошлайди. Оламнинг гултожи «Ҳазрати инсон» эса билиб-билмай ўз ихтиёрини манфур тубанлик қўлига осонгина топшириб қўйиши ҳам мумкин экан...**

## ҚИЗАЛОҚНИНГ ҚИЗҒАЛДОҚ УМРИ

Навоий вилоятида ҳам вояга етмаган ёшлар — болалар ҳимоясига алоҳида эътибор билан қаралади. Мактабгача тарбия муассасалари, бошланғич мактаб ва Меҳрибонлик уйларида умидли ворисларимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан бундай хайрли ишлар янада жонлантириб юборилди. Маданият ва истироҳат боғлари, оромгоҳ ва маданият саройларида уюштирилган турли-туман кўнгилочар тадбирлар ва ҳомийлик ёрдамлари болажонлар кўнглини хушнуд этади.

Лекин, минг афсуски, шунча саъй-ҳаракатларга қарамасдан, меҳр-мурувватнинг ҳузурбахш эпкинлари манзилига тўлиғича етиб бормаяпти.

Кўпчиликка ибрат бўлади деган умидда яқинда юз берган фожеа — норасида қизалоқ Анжеликанинг бемаврид ўлими тафсилотларини ҳукмингизга ҳавола қилишга жазм этдик.

* * *

Погляд Светлана Михайловна ёш, шу билан бирга жуда гўзал, кўзга яқин қиз эди. У Навоий Кончилик коллежининг Нуробод бўлимида ўқирди. 2004 йил кузида ҳаётида қизиқ воқеа юз берди. Жисмоний тарбия дарси олдидан кийимларини алмаштираётганида, дафъатан хонага гуруҳдоши Дилшод кириб келди. Қиз кўйлагини кўксига босганча чинқириб юборди. Светанинг бўлиқ кўкраги ва сутдек тиниқ-тоза баданига нигоҳи тушган йигит бироз шошиб қолди. Сўнг тезда ўзини ўнглаб, хонани тарк этди...

Балоғат ёшида эмасми, ушбу тасодиф сабаб йигит қизни кузатадиган, ҳали у, ҳали бу баҳоналар билан йўлини пойлайдиган одат чиқарди. Бошида бироз лоқайд бўлгани билан Светлана ҳам бундай жўшқинликка бефарқ қараб туролмасди. Шу зайл икки ёш тез-тез кўришадиган, телефон орқали гаплашиб турадиган бўлишди. Ғойибона интизорлик бир-икки ой давом этди. Янги 2005 йил кириб келиши арафасида уйдагилари меҳмондорчиликда бўлган Светлана қутлагани гул кўтариб келган Дилшодбекни эшикдан қайтариб юборгиси келмади. Ичкарига таклиф этиб, стол ёнидаги диваndан жой кўрсатди. Ўзи эса тезда дастурхон тузаб, гулдор идишда кофе олиб келди. Кейин эса секин келиб гуруҳдоши ёнига ўтирди. Шунда бир-бирига ташна нигоҳлар яна қайтадан тўқнашди. Йигитнинг қўллари ўз-ўзидан қиз бўйнига чирмашди. Дийдор тафтида сармаст лаҳзалар бир-бирига йўл очиб берарди. Иссиқ оғуш ила илк бўса асрорлари шу тунда уларни гувоҳларсиз қолдирди. Жумлаи оламда улардан бахтлироқ кимса йўқдек туюларди гўё.

Кейинчалик судланувчи сифатида сўроқ қилинган Светлана Михайловна ички изтиробларини қуйидагича изоҳлайди: «Шундан кейин мен ҳомиладор бўлганлигимни сезиб қолдим», «Ўлдим — куйдим»ни айтиб, доимо атрофимда парвона юргувчи йигитимга ушбу қувончли хабарни маълум қилган эдим, бирдан унинг авзойи ўзгариб қолди. «Ота-онам рус қизига уйланишимга рўйхушлик бермайди» деган баҳона билан мендан тобора узоқлаша бошлади.

Олдинда мени бир-биридан оғир кунлар кутаётганлигини ҳис этдим. Аммо, ҳамма дашномларга чидаб бўлса ҳам, ҳомиламни сақлаб қолишга аҳд қилгандим. 2005 йилнинг сентябрида акушер-гениколог врачи Навоий шаҳридаги тоғ металлургия комбинатига қарашли тиббий санитария қисми шифохонасида ётиб даволанишимни маслаҳат берди. У ерда 5-6 кун даволандим. Дилбандимни эса жарроҳлик йўли билан қўлимга олишимга тўғри келди. Зеҳн ва меҳр билан унга тикилсам, қизимнинг ўнг кўзи чап кўзига нисбатан сезиларли даражада кичик экан. Шифохонадан ҳам моддий, ҳам руҳий толиққан ҳолатда Нурободдаги уйимизга кириб келдим. Бу ерда бор имконимизни ишга солиб, болани парваришлашга киришдим. Аммо... Дастлаб, чақалоғим кучли қорин оғриғига чалинди. Тун бўйи унга қўшилиб йиғлаб чиқардим. Тез ёрдам машинасида етиб келган врач уни обдон текшириб кўриб, туғма юрак пороги борлигини аниқлади. Йўлланма асосида бориб, Самарқанд шаҳридаги таниқли шифохоналарга кўриндик. Таассуфки «порог» рост бўлиб чиқди. Нуробод шаҳрига қайтгач, узлуксиз шифохонада ётдик. Сўнгра бизни шу йилнинг 20 январидан шифохонанинг болалар бўлимига ўтказишди. Бир ёқда йўқчилик, иккинчи томондан коллеждаги ўқишим ҳам қолиб бораётганди. Мен тенги йигит-қизлар кулиб-ўйнаб юришарди. Кўп тушкунликка тушиб юрдим. Ахийри, ҳаммасига қўл силтаб, ҳаётимни қайтадан бошлашга қатъий жазм этдим...

* * *

Ёш онанинг этак силтаб қилган азму қарори шунчаки эмасди, бу— жаҳолат эди. 2006 йил 21 январ куни Светлана 3 ойлик қизчасини шифохонада онасига қолдириб, ўзи коллежга жўнайди. Соат 11 лар атрофида ўз уйига қайтиб, ошхона тахмонидаги шиша идишдаги уксус кислотасидан пенициллин флаконига бир қошиғини солиб, шифохонага йўл олади. Уйқу билмаган онаизорини уйига жўнатгач, ўз режасини амалга ошириш учун қулай пайт пойлайди. Кундузги уколлар тугагач, соат 14 лар арафасида палатада ёлғиз ўзи қизчаси билан қолади. Шунда у энтикиб нафас олаётган митти гўдакнинг бурнини қисиб, оғзини очишга мажбур этади. Иккинчи қўли билан унинг оғзига уксусни қуйиб юборади.

Шундан кейин шифохонада «югур-югур» бошланганини тасаввур қилиш қийинмас. Чақалоқ реанимация бўлимига келтирилгач, нафас йўллари малҳам ва тоза кислород билан узлуксиз тўйинтирилиб, зарурий чоралар кўрилади. Аммо, начора...

* * *

Болакайга ким ўлим истаганини врачлар билолмай хуноб эдилар. Мум тишлаб турган «Она» эса ҳеч нарсадан хабари йўқлигини тўтиқушдек такрорларди. Шунда участка нозири ҳамроҳлигида етиб келган «тезкор гуруҳ» аъзолари масала ечимини гумондорнинг хонадонидан излашга киришдилар. Ошхона тахмонидан бироз қуйиб олинган уксус шишаси топилгач, Светлана чинқириб юборади. Айбига тўла иқрорлик билан ўз кечинмаларини сўзлаб беришга киришди.

Светлана Михайловна орзу қилганидек, тенгқурлари билан ўқиб, ўйнаб-кулаолмади.

Аксинча, темир панжарага суянганча қолди. Уйларида эса бевақт хазон бўлган қизалоғи чинқириб йиғлайди, йиғлайверади. У эса ана шу овоздан қочгиси келади. Аммо боши муздай панжарага урилиб, кўзи очилади. Бу ҳол деярли ҳар куни такрорланади. Сўнгги пушаймон, деб шунга айтсалар керак-да.

**Жаҳонгир САТТОРОВ,**
**Навоий ихтисослаштирилган прокурори, Адлия кичик маслаҳатчиси**

**Касаба уюшмалари шифо масканларида**

# «ЧОРТОҚ»

## Ўзбекистондаги биринчи сиҳатгоҳ

***Ўзбекистон замини минерал сув манбалари, тоғ муми қатламлари, шифобахш лойлик кўлларга бой ўлкадир. Шунинг учун республикамизнинг турли баҳаво, кўркам, қулай манзилларида ҳар хил касалликларни муолажа қилувчи санаторийлар, сиҳатгоҳлар фаолият кўрсатмоқда.***

***«Чортоқ» сиҳатгоҳи мамлакатимиздаги маъданли сув ва шифобахш лой билан даволовчи биринчи муолажа масканидир. У Чортоқсой дарёсининг хушманзара тоғолди водийсида жойлашган. Бу ерда таянч-ҳаракат аппаратидаги оғриқлар, овқат ҳазм қилиш аъзолари, тери, асаб хасталиклари, аёлларга хос ва бошқа касалликлар муолажа қилинади. Беморларни даволашда йод бром ва хлорид-натрий-кальций бирикмали маъданли сув ванналари, сунъий-сульфид лойлар, Чортоқ сувидан истеъмол қилиш, иқлимий муолажа, физиотерапиянинг турли хиллари, жисмоний тарбия, парҳез, руҳий таъсир ўтказиш каби усуллар қўлланилади.***



### ТАРИХГА БИР НАЗАР

Инсонлар қадим замонлардаёқ табиий омилларнинг шифобахшлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлган. Улар минерал сувлар,



иқлим, қуёш нурларидан фойдаланиб, турли касалликларни даволашган. Абу Али ибн Сино ўзининг машҳур «Тиб қонунлари» асарида табиий омиллардан — иқлим, об-ҳаво, қуёш нурлари, минерал



сувларнинг инсон организмига шифобахш таъсири тўғрисида маълумотлар келтиради. У маъданли сувларнинг шифобахш хусусиятлари тўғрисида шундай дейди. «Таркибида мис, темир моддалари бўлган шўр сувлар бўғин оғриқларида, подогра касаллигида, камқувватликда наф беради, синган суякларнинг битишини тезлаштиради, жароҳат ва яраларнинг тузалиб кетишига ёрдам беради. Олтингугуртли сув эса асабларни тозалаб, тиришиш (спазм)дан ҳосил бўлган оғриқни босади».

Ана шундай сувлардан бири 1946 йили Чортоқ туманида топилди. Бу ишда мамлакатимизда нефт саноатининг ривожланиши ёрдам берди. Яъни ўша йили, геологлар Чортоқсой водийсида нефт қатламлари бўлса керак, деган тахминлар билан қидирув-бурғулаш ишларини бошлаб юборишди. Биринчи қудуқни бурғулаш ниҳоясига етгач, орзиқиб кутган нефт ўрнига ер қаъридан иссиқ, тахир, шўр сув катта босим билан отилиб чиқди. Бу сув табиатнинг инсонга ҳадя этган ноёб инъоми эканлиги кўпчиликка кейинчалик маълум бўлади. Ўша пайтда нефт қидирувчилар бу сув келажакда Чортоқнинг истиқболини белгилашини, бу ерда улкан шифохона қурилиб, даволаниб кетган минглаб беморлар уларга миннатдорчилик билдиришини хаёлларига ҳам келтиришмаган.

Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин ушбу сувнинг шифобахшлиги тўғрисида хабар оғиздан-оғизга ўтиб, кўпчиликка тарқалди. Натижада турли дардларига шифо изловчилар бу ерга оқиб кела бошлашди. Ниҳоят сувнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш учун 1947 йил охирида бу ерга Н. Семашко номидаги Ўзбекистон курортология ва физиотерапия илмий-текшириш институти олимлари ташриф буюришди. Улар Чортоқ минерал суви қимматли хусусиятга эга, деган хулосага келишди. Шундан кейин беморларда клиник кузатишлар олиб бориш мақсадида институт томонидан махсус илмий экспедиция юборилди.

1949 йилнинг ўрталарида эса Чортоқда 30 ўринли бальнелогик шифохона ташкил этилди. 1-қудуқнинг ёнига атиги 5 та ванна ўрнатилди ва дам олиш хоналаридан иборат маъжазгина бино қурилди. Ётоқхона эса 7 километр узоқликда — туман марказида ташкил қилинди. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг тўнғич бальнологик курортини қуриш лозимлиги масаласини ҳал қилишга имкон берди ва 1950 йилда унинг лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда қурилишнинг биринчи босқичи бошлаб юборилди. 1961 йилда эса у «Чортоқ» санаторийсига айлантирилди.

Ҳозирги пайтда «Чортоқ» республикамизда энг йирик, кўп профилли, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган, даволаш-ташхис базасига эга бўлган, юқори малакали ходимлар билан таъминланган санаторий ҳисобланади. Сиҳатгоҳ 400 ўринга эга бўлиб, 37 гектар ерга жойлашган.

### ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИ 99 ФОИЗ

— Санаториймизда даволаш самарадорлиги 98 — 99 фоизни ташкил этади, — дейди биз билан суҳбатда бош ҳаким Шамсиддин Абдуназаров. — Масалан, шу йилнинг олти ойи ичида даволаниб кетган 2840 нафар беморнинг барчаси дардига шифо топиб кетди. Бунга сиҳатгоҳда қўлланилаётган комплекс муолажа-минерал сувлар, сунъий шифобахш балчиқлар, парҳез таомлар, физиотерапевтик омиллар сабаб бўлди. Санаторийнинг сўлим манзараси, иқлими ҳам беморларнинг соғайишига имкон яратди.



Бугунги кунда беморларга 22 нафар ҳаким, 60 нафар ўрта тиббиёт ходимлари сидқидилдан хизмат қилмоқда. Уларнинг 80 — 85 фоизи биринчи ва олий тоифалидир.

Чортоқнинг шифобахш сувини заминимизнинг саховати, муруввати деб аташ мумкин. Бу сувда инсон танаси саломатлиги учун фойдали бўлган жуда кўп туз ва газ моддалари мавжуддир. Унинг таркибида йод, бром, хлорид-натрий-калций, азот ва радон гази бор. 1 литрида ўртача 44,6 грамм тузи бўлган маъданли сув ванна бериш учун қўлланилади. Сиҳатгоҳнинг 32-қудуғидан олинадиган сув эса ўз хусусиятлари билан машҳур «Трусковец» санаторийси обҳаётига жуда ўхшашдир. Бу сув ичиш ва ошқозонни ювиш учун



ишлатилади.

Шифогоҳ сувидан ванна қабул қилар экансиз, асабингизнинг чарчоғи ёзилади, миянгизнинг биоэлектрик ва қон айланиш жараёни яхшиланади, бош миянгиз қобиғининг фаолияти ошади, қонбосимингиз меъёрга тушади, танангиздаги модда алмашинув жараёни жадаллашади, қон томирларингиз кенгаяди, хазм аъзоларингиз фаолияти яхшиланади ва ҳоказо. Давогоҳда, бундан ташқари, шифобахш балчиқ, шам, физиотерапевтик муолажалар, эрталабки бадантарбия, уқалаш, нина, лазер нури билан даволаш амалга оширилади. Республикамизда ягона бўлган умуртқаларни сув остида тик тортиш муолажаси қўлланилади. Беморларни даволашда ишлатиладиган сунъий балчиқ эса ўзининг таркиби, қуввати, самарадорлиги бўйича Қримдаги машҳур Сакки ва Мўйноқникидан қолишмайди. Ушбу балчиқ қабул қилинганда қон томирлари кенгаяди ва қон айланиши яхшиланади.

### БЕМОРЛАР МИННАТДОРЧИЛИГИ

Сиҳатгоҳнинг таклиф ва мулоҳазалар дафтарини кўздан кечирар эканмиз, унда кўплаб дам олиб, даволаниб кетган беморларнинг дил изҳорларига кўзимиз тушди. Қуйида шулардан бир нечтасини ҳавола қиламиз.

**Мамадали ИСАБОЕВ,**
**иккинчи жаҳон уруши ногирони,**
**меҳнат фахрийси**

— Ёшим 84 да. Чортоқ шаҳрида истиқомат қиламан. Иккинчи жаҳон урушидан ногирон бўлиб қайтдим. Соғлиғим тиклангач, халқ хўжалигида меҳнат қилиб, пенсияга чиқдим.

Мустақиллик шарофати билан жуда кўп иззат-икром кўрдим. Хусусан шу йилнинг май ойида «Чортоқ» сиҳатгоҳида оилам билан дам олиб, даволаниб қайтдик. Бизга юрак хасталиклари бўлими бошлиғи Ш. Тиллабоев, сув билан даволаш бўлими ходими Р. Жўраев ва бошқалар чин кўнгилдан хизмат қилишди. Мен каби кексаларга йўлланма билан ёрдам бераётган Чортоқ туман ижтимоий таъминот бўлими ходимларига ҳам миннатдорчилигимни билдираман.

**Роила САФАРОВА,**
**Бухоро шаҳри**

— Мени касаллигим 15 йилдан бери қийнаб келади. Кўрсатмаган жойим қолмади. Охири врачлар менга Намангандаги «Чортоқ» санаторийсида даволанишимни тавсия қилишди. Бу ерда шифобахш сувларни ичиб, ванна қилиб, бошқа муолажаларни олгандан кейин соғлиғимда сезиларли даражада ўзгариш бўлди. Шунинг учун катта таассуротлар билан Бухорога қайтаяпман. Худо насиб қилса, кейинги йил албатта келаман.

Дардимга шифо топишимда санаторийдаги шарт-шароит ҳам сабаб бўлди. Бу ернинг ҳавоси, сўлим манзараси менга жуда ёқди. Сиҳатгоҳ ходимлари яхши кутиб олишди ва келишим билан муолажаларни бошлаб юборишди. Ошпазлар тайёрлаган овқатларию уларнинг хушмуомалигини айтмайсизми. Шунинг учун врач-дерматолог Г.Шомуродов, бош ошпаз Р. Парпиев ва бошқаларга раҳмат дейман.

**Бахтинисо АБДУРАҲМАНОВА,**
**Жиззах вилояти**

— Шу йил май ойининг охири ва июннинг бошида ушбу шифогоҳда эрим билан дам олиб, даволандим. Бўлим бошлиғи Б. Тиллабоев бизни хушмуомала билан кутиб олди ва яхши даво берувчи муолажалалар ёзиб берди. Унга кўра физиотерапия, сув ванналари, балчиқ ва бошқа муолажаларни олдик. Соғлиғимиз анча тикланди.

Бизларга сифатли ва мазали овқат берган ошпазлардан Ш.Қулматова, Д.Йўлдошеваларга миннатдорчилигимизни билдирамиз. Улар ҳамма вақт даволанувчиларни яхши кутиб олишади. Камчиликлар йўқми, деб кузатиб қолишади.



### ФЕДЕРАЦИЯ ЁРДАМИ БИЛАН

Мустақиллик йилларида санаторийда дам олиш ва даволаш ишларини жаҳон андозалари талаблари даражасига олиб чиқиш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Бунда сиҳатгоҳнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, ётоқ, маданий-маиший биноларини тўла ёки қайта таъмирлаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда ҳам бу юмуш давом эттирилмоқда. Масалан, кейинги йил 3-корпус таъмирланиб, люкс хоналар ташкил қилинади. Таъмирлаш ишлари учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси маблағидан 600 миллион сўм ажратилади. Курортлар бошқармаси эса бинони жиҳозлар билан таъминлайди. Натижада 75 та қўшимча жой ташкил этилади. Ундан кейин яқин келажакда сиҳатгоҳда теннис корти ва спорт майдончаси қурилиши мўлжалланмоқда.

Айни чоғда дам олиш масканида қишга тайёргарлик ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Чунки шифогоҳ йилнинг тўрт фаслида фаолият юритади. Ҳозирги кунгача кўмир сақлайдиган жой қуриб битказилди ва 112 тонна ёқилғи олиб келинди. Мавсум охиригача ҳаммаси бўлиб 840 тонна кўмир захираси жамғарилиши керак. Учта иссиқлик ишлаб чиқариш қозони жорий таъмирдан чиқарилди. Тутун чиқадиган мўрилар тозаланиб, кўрикдан ўтказилди. Бундан ташқари, 500 минг куб метр газ лимити олинган. Иссиқлик узатиш қувурлари юқори босим билан синовдан ўтказилди. Яроқсизлари аниқланиб, ҳозирда уларни алмаштириш ишлари давом эттирилмоқда. 4-бино томи мукаммал таъмирланди.

Беморлар муолажадан кейин зерикиб қолмасликлари учун бу ерда бир қанча қулайликлар яратилган. Хусусан санаторийнинг маданият саройида бир кун кинофильм қўйиб берилса, иккинчи кун дискотека уюштирилади. Бу ерда вақти-вақти билан шоирлар, ёзувчилар ва бошқа жамоат арбоблари билан суҳбатлар ўтказилади. Дам олувчиларнинг



шахмат-шашка, биллиард, теннис ўйнашлари учун ҳам шароит яратилган. Боғлар ичра дам олиш ўриндиқлари ўрнатилган. Бундан ташқари, мижозлар водийнинг зиёратгоҳ обидалари ва шаҳарларига саёҳат қилиш имкониятига эга. Кутубхонада 3108 та бадиий, тарихий ва бошқа мавзулардаги китоб бор.

Бу ерда ёрдамчи хўжаликка ҳам катта эътибор берилмоқда. Яқинда ҳудуддаги ғалладан бўшаган ерга сабзи, карам, турп ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экилди. Дам олувчиларни қиш мавсумида кўкат, помидор, бодринг билан таъминлаш мақсадида 60 сотих ерда иссиқхона қурилиши давом эттирилмоқда. Кейинги йилда ёрдамчи хўжаликда парранда, қўй, мол боқилиши кўзда тутилмоқда.

Ҳудуддаги барча гулхоналар чопилиб, бир йиллик гул, 1200 туп терак кўчатлари ўтказилди.

Ходимларни ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ижтимоий ҳимоялаш учун маъмурият касаба уюшмаси билан биргаликда анча юмушларни амалга оширмоқда. Масалан, шифокор, ҳамшира ва ходимларнинг ҳаммаси бепул кийим-кечак билан таъминланган. Касаба уюшма қўмитаси раиси Шарифжон Усмоновнинг таъкидлашича, сиҳатгоҳга янги бош ҳаким келгандан кейин ишчи-хизматчиларнинг 6 ойлик иш ҳақидан қарздорлиги узилган. Бунда Курортлар бошқармасининг ҳам ёрдами катта бўлди. Барча байрамларда ходимларга дастурхон ташкил қилинади. Тумандаги Гулшан қишлоғида истиқомат қилувчи кам таъминланган Қаҳҳоровлар оиласига 400 минг сўмлик бир бош соғин си-



гир олиб берилди. Санаторийда ишловчи ходимлардан 16 нафари, тумандаги камхарж нафақахўрлардан 17 нафари шу ерда бепул соғломлаштирилди. Бундан ташқари, 19 нафар ишчи-хизматчи оиласига 513 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 3 нафар ишчига текин дори-дармонлар олиб берилди.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз*

# УМУМБАШАРИЙ ТАЪЗИМ ВА ЭҲТИРОМ

**Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси мудири, тарих фанлари доктори Убайдулла УВАТОВ билан суҳбат**

**— Ҳеч бир халқ ўзини бошқа бир халқдан кам билмайди. Лекин шундай халқ намояндалари борки, уларнинг довруғи етти иқлимга таралиб, ўз миллатдошларининг кўкрагини тоғ қилиб, уларга неча-неча асрлардан кейин ҳам шариф нурини сочиб туради.**

— Дарҳақиқат, шундай. Ўзбекистон деб аталадиган диёримиз азал-азалдан илму маърифат, зиё ва маданият маскани сифатида жумлаи жаҳонга машҳур бўлиб келган. Бу хусусда кўҳна тарих саҳифаларидан ёрқин мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Миллий давлатчилигимиз асосларининг қарийб уч минг йиллик тарихга эга эканлиги, «Авесто» ёзма ёдгорлиги бундан уч минг йил илгари айнан шу табаррук заминимизда яратилганлигининг ўзи ҳам халқимизнинг қадим-қадим замонлардан бошлаб жаҳон цивилизациясига, умумбашарий тараққиётга беқиёс ҳисса қўшган маданиятли, маърифатли ва салоҳиятли халқ эканлигини кўрсатади.

Ислом дини диёримизда қарор топгандан кейинги даврдаги илм-фан ва маданият тараққиёти алоҳида бир босқични ташкил қилиб, у бевосита исломий илмлар ривожи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ўринда яна шуни таъкидлаш керакки, юксак маданий менталитет ва илмий салоҳиятга эга халқимиз янги кириб келган ислом динига ҳам юксак маданият соҳиблари сифатида ижодий ёндошди. Бинобарин, диёримиз аҳли бу диннинг том маънода инсонпарвар, фарахбахш ғоялари фақат яхшиликка, эзгуликка, тараққиётга, инсоннинг маънавий камолотига қаратилганлигини тез идрок этиб, унинг ҳаётий асл мазмун-моҳиятини теран англадилар. Шу боисдан ҳам бу муборак динга нафақат ибодат қилиш, бир қатор исломий урф-одатлар, маросимларни беками-кўст адо этиш билан бирга унга илму-ирфон, мукаммал назария, ҳаётий фалсафа ва таълимот сифатида ёндашдилар. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг заминимизда ислом динига муносабат илк даврлардан эътиборан чуқур, фундаментал илмий асосга таяниб, амалга оширилди.

Ислом динининг асосий манбалари Қуръони карим ва жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларида келтирилган улуғ ғоялар билан тўла ҳамоҳангдир. Шу боисдан ҳам бу жараён ҳар бир мўмин-мусулмоннинг илмли, зиёли, маърифатли бўлиши, илмнинг хосиятлари ва фазилатлари ҳақидаги Қуръони каримдаги кўпдан-кўп оятлар ва айниқса, илму зиёнинг инсон учун ўта зарурлиги ҳақидаги Расулуллоҳнинг кўрсатмалари, хусусан, Сарвари оламнинг «энг яхши ибодат — илм олмоқликдир», деган муборак ҳадислари билан уйғунлашган ҳолда амалга оширилди. Илмли, маърифатли бўлишлик зудлик билан муайян қоидалар ва дастурларни ишлаб чиқиш, охироқибатда ўз даврининг дорилфунунлари ҳисобланган мадрасаларнинг очилиши билан бу жараён фаолияти ўз самарасини бера бошлади.

**— Бухоронинг Афшона қишлоғида таваллуд топиб, тафаккур зиёси билан оламни лол қилган Абу Али ибн Сино ҳам эгаллаган билим билан чекланиб қолмасликни даъват этади. Бу маърифат масканларига диёримизда накадар катта эътибор берилганлигини яна ва яна ёдимизга солмайдими?**

— Эътиборли томони шундаки, мусулмон оламидаги дастлабки мадрасалар VIII асрнинг охирларида ўша даврдаги йирик илмий-маданий марказлар ҳисобланган Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Хива, Шош (Тошкент), Фарғона, Марғилон каби қадимий шаҳарларда фаолият кўрсата бошлади. Бу фикримизга далил сифатида таниқли тарихчи Мирза Муҳаммад Боқир ал-Хавансорий ал-Исфаҳоний ўзининг «Равзот ал-жаннат фи аҳвол ал-уламо вас-содат» («Олимлар ва саййидларнинг аҳволлари ҳақида жаннат бўстонлари») номли асарида «мусулмон оламида дастлабки мадрасалар Бухорода очилган эди» деб таъкидлаганини кўрсатиш мумкин. Диний илмлар мажмуаси, исломий маданият ва маърифат мукаммал тарзда ўргатилган ушбу ўқув даргоҳларида дунёвий илмлар ҳам чуқур ўрганиларди. Бу илм масканларида нафақат маҳаллий ёшлар, балки Шарқнинг турли мамлакатларидан келган кўпдан-кўп талабалар ҳам диний ва дунёвий илмлардан таҳсил олардилар.

Ислом оламидаги мадрасалар тарихи бўйича салмоқли илмий тадқиқотлар олиб борган ироқлик йирик олим Ножий Маъруфнинг ёзишича, «VIII асрнинг охирларидаёқ Бухородаги имом Абу Ҳафс ал-Кабийр ал-Бухорий мадрасасида мусулмон оламининг кўплаб мамлакатларидан келган толиби илмлар сабоқ олганлар». Ушбу мадраса қошида бой кутубхона, махсус қироатхона мавжуд бўлиб, талабалар ойлик маош (стипендия), кўп ҳолларда эса озиқ-овқат билан ҳам таъминланганлар. Эгаллаган илмини янада такомиллаштириш, уни камолига етказиш мақсадида бошқа ўлкаларга, хусусан, Шарқ мамлакатларидаги довруғи дунёга тарқалган илмий марказларга сафарлар қилиш одат тусига кира бошлаган.

Бу амалга оширилган катта илмий-маърифий ишлар, албатта, ўз самарасини кўрсатмай қолмади. Тез орада диёримиздан турли илмлар бўйича оламшумул ютуқларга эришган буюк алломалар етишиб чиқдилар. Улардан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср ал-Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино кабиларнинг аниқ ва табиий фанлар бўйича яратган бебаҳо ихтиролари ва кашфиётлари юртимизнинг довруғини бутун дунё бўйлаб таратди.

**— Ҳизр назари тушган юртда яшаймиз. Ихлос билан ерга суқилган оддий таёқ кўкариб, танасига сув йиғиб, таъми ҳеч қаерда учрамайдиган анвойи неъматларни тортиқ қилади. Эҳтимолки, айнан шу ҳикмат боис диёримиздан илм аҳллари бошқа жойларга қараганда кўпроқ етишиб чиққандир?**

— Маълумки, исломий илмлар (тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом ва ҳоказо) бўйича Мовароуннаҳр ва Хуросондан чиққан олимларнинг яратган асарлари ва таълимотлари ислом дини тараққиётида алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ўринда заминимиздан чиққан кўплаб буюк муфассирлар ва Қуръон ҳофизлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Табаррук юртимиздан етишиб чиққан буюк сиймолар Имом ал-Доримий, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий, Имом ан-Насоий, Имом Абу Мансур ат-Мотуридий, беназир алломалар Бурҳониддин ал-Марғиноний, Абу-Лайс ас-Самарқандий, Абул Муъийн ан-Насафий, Нажмиддин Умар ан-Насафий, Абул Баракот ан-Насафий, Абул Аббос Жаъфар ал-Мустағфирий ан-Насафийлар тафсир, ҳадис, тарих, фиқҳ, калом каби исломий илмларнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшган бўлиб, бу зоти шарифларнинг буюк хизматлари жаҳоний эҳтиромга сазовордир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг 600 мингга яқин ҳадисларини ёдларида сақлаган беназир аллома Имом ал-Бухорий ҳазратлари ҳақида араб олимларидан бири Амр ибн Али ал-Қаллоснинг «Имом ал-Бухорий билмаган ҳадис — бу ҳадис эмас», деган самимий баҳосига бир эътибор беринг-а! Бундан аён бўладики, буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий ҳазратлари Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак тилларидан содир бўлган барча ҳадислардан хабардор бўлган эканлар-да! Араб олимининг бу юксак баҳосини барча муҳаддисларнинг имоми, ҳадис илмининг султони деган ўта шарафли рутбага сазовор бўлган Имом ал-Бухорий ҳазратларининг ақл бовар қилмайдиган даражадаги ноёб илмий салоҳиятига холисона баҳо, умумбашарий таъзим ва эҳтиром деб изоҳлаш мумкин.

Ёки бўлмаса, бундан қарийб Х аср муқаддам яшаб ўтган хоразмлик буюк аллома Маҳмуд аз-Замахшарийнинг ҳаёти ва меросига бир назар солайлик. Жисмоний ногиронлигига (оғир касалга чалинганi туфайли ёшлигида бир оёғи кесилган) қарамасдан бу зот илму ирфон талабида ўз умрининг аксар қисмини узоқ мамлакатларда сафарда, мусофирчиликда ўтказади. Маккаи мукаррамада олти йилга яқин яшади. Шу боис ҳеч бир олимга насиб этмаган Жоруллоҳ (Оллоҳнинг қўшниси) деган юксак мақомга сазовор бўлди. У бутун умрини илмга бағишлади ва илм-фаннинг турли соҳаларига оид олтмишга яқин асарлар яратди. Бундан бир неча йил муқаддам муҳтарам Президентимиз Хоразм вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида бу беназир алломанинг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида тўхталиб, бир араб мутафаккирининг «Дунёдаги барча қишлоқлар жам бўлиб, Хоразмнинг биргина ЗАМАХШАР қишлоғига фидо бўлса арзийди, чунки айнан шу қишлоқ минг йилларда бир марта келиши мумкин бўлган аз-Замахшарийдек буюк алломани яратган», деган баҳосини алоҳида таъкидлаган эдилар. Мавриди келганда айтиш жоизки, буюк ватандошимизнинг, айниқса, араб тили, унинг наҳви сарфи (грамматикаси) ва луғатшунослиги равнақига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Шу боисдан ҳам араб олимларидан бири «агар шу хоразмлик чўлоқ ва кўса аз-Замахшарий бўлмаганда араблар ўз тилини билмас эдилар», деб эътироф этганлигини қанчалик муҳим аҳамиятга эгалигини изоҳлаш шарт эмасдир.

**— Тарихсиз келажак йўқ дейдилар. Тарих эса аввавломбор инсонлар тақдири демакдир. Саркардалар, олиму-фузалолар, шоиру ёзувчилар демакдир. Аммо, эътироф лозимки, биз тарихимизни истиқлолдан сўнггина эмин-эркин ўргана бошладик. Шу жумладан, буюкларимизни ҳам. Шундай эмасми?**

— Мустақиллигимиз шарофати билан кўплаб алломаларимизнинг ҳаёти ва мерослари чуқур ўрганилиб, уларнинг таваллуд саналари — юбилейлари ўтказилаётир ва табаррук номлари тикланаётир. Юртбошимизнинг «Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандия таълимоти, ат-Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз», деган фикрлари ҳозирги даврда бу йўналишда қилинадиган ишлар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Биз юқорида жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган алломаларимиздан айримлари ҳақида баъзи маълумотларни келтирдик. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу зоти шарифларнинг ҳар бири ҳам мислсиз таълимотларию ноёб кашфиётлари билан башарият тарихидаги энг буюк сиймолар сафида туради. Мана шу улуғ мақомга сазовор бўлган кўплаб алломаларнинг Ўзбекистон деб аталмиш табаррук заминдан етишиб чиқишини тасодифий ҳол деб бўлмайди. Гарчанд мана шу ҳолнинг ўзи ҳам бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган бу бетакрор юртда илм-фан ва маданиятнинг илдизи бениҳоя чуқурлигидан, бу барокатли заминдан азал-азалдан анъанавий юксак маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлганлигидан, энг муҳими, бу юрт аҳли инсоният ва жамият манфаатлари йўлида ҳар қандай илмни ҳам тез ва теран илғаб, юксак поғоналарга кўтариш салоҳиятига қодир эканлигидан далолат беради. Иккинчи томондан, бундай улкан муваффақиятларга буюк аждодларимиз узоқ йиллар давомидаги машаққатли меҳнат, тинимсиз изланишлар ва саъй-ҳаракатлар, ўз она юрти довруғи ва нуфузини дунё миқёсида тарқатиш мақсадида эришганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Буюк аждодларимизнинг асрлар қаърида қолиб кетган табаррук номлари бугун, Мустақиллик туфайли, давлатимиз раҳбарининг собитқадамлик билан олиб бораётган халқчил ва доно сиёсати шарофати ила дунё бўйлаб мағрур ва ўктам кезиб юрибди ва курраи заминда Ўзбекистон деган буюк ҳамда қудратли ўлка борлигини бот-бот ёдга солмоқда.

**Суҳбатдош:**
**Зайниддин РИХСИЕВ**



# «ҚАЙНАР»ДА БЎЛГАНМИСИЗ?

***Қашқадарё воҳаси ўзининг гўзал табиати, пурвиқор тоғлари-ю, зилол сувлари билан машҳур. Воҳани қўшни Самарқанд вилояти билан боғловчи Тахтақарача довонидан ошганингиздан сўнг сизни ажиб бир манзара чорлайди.***



Қайнар қишлоғида жойлашган санаторий шу пайтгача вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси тасарруфида фаолият кўрсатарди. Ҳозирги кунда санаторий Нодирбек Шоимов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги ихтиёрига ўтказилди.

Дастлаб бино жаҳон андозаларига мос равишда таъмирланди, янги жиҳозлар келтирилди. Малакали тиббиёт ходимлари ва мутахассислар жалб этилди. Эндиликда бу ер севимли дам олиш ва соғломлаштириш масканига айланди.

Санаторий Китоб туманининг сўлим Қайнар қишлоғида жойлашган бўлиб, атрофлари Ҳисор тоғ тизмалари билан ўралган. Тоғнинг ёқимли ҳавоси кишига ором бахш этади. Дарё соҳилида жойлашганлиги учун ҳам ҳавоси доимо мусаффо. Шифобахш булоқ суви танга ором беради. Бу ерда малакали шифокорлар даволанувчиларга нафақат дори-дармон, балки ўзларининг ширин сўзлари билан ҳам малҳам бўлмоқдалар. Асаб, юрак-қон томир, овқат ҳазм қилиш, ҳаракат-таянч аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари физиотерапевтик йўллар ҳамда халқ табобати усуллари билан даволанади.

— Қарилик анчайин чарчатиб қўйган эди, — дейди чироқчилик Ҳошимхон бобо Ҳакимов. — Бундан бир неча йил илгари бу ерда бўлгандим. Лекин, мустақилликдан сўнг санаторийнинг имкониятлари кенгайиб, ижобий томонга ўзгарганлиги, тўғриси мени ниҳоятда қувонтирди.

Санаторийда даволанаётганлар Роҳатбулоқ, Мингбулоқ, Галабулоқ сингари оромгоҳларда ҳордиқ чиқариш имкониятига эга. Тахтақарача довонининг шимолий томонида қадимий Самарқанд шаҳри жойлашган бўлса, жануб томонда Кеш шаҳри шундайгина кўриниб туради. Даволанаётганлар Ҳазрати Башир ота зиёратгоҳига, Еттиқиз афсонавий ғорига саёҳат қилишлари мумкин.

— Санаторийнинг қайта фаолият кўрсатаётгани туфайли қайнарлик 80 нафар кишини иш билан таъминлаш имконияти яратилди. Келгусида унинг фаолияти янада кенгайтирилиб, атрофини ободонлаштириш режалаштирилган. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида кам таъминланган оилалар ҳамда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун имтиёзли йўлланмалар жорий қилинди, — дейди санаторий бош шифокори Сафарали Ҳуррамов.

Айни вақтда бу ерда қўшни вилоятлардан ҳам даволанувчилар келиб, ўз соғлиқларини тикламоқдалар. Ишчи-хизматчилар таътил кунларини мароқли ва мазмунли ўтказишлари учун «Қайнар»га келсалар, соғлиқларини тиклаш билан бирга табиатнинг гўзаллигига ошно бўладилар.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Суратларда: Фаёза Норолова ҳамда Феруза Жалиловалар даволанувчиларга намунали хизмат кўрсатишаяпти; санаторийнинг бош биноси қайта таъмирдан сўнг янада жозиба касб этди.***

*Навоий сабоқлари*

# ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ...

***Бу сўзни аҳли ҳикмат дебдурур хўб:***
***«Ямондин оз беҳким, яхшидин кўп».***

*Донишмандлар: «Ёмон нарсанинг ози, яхши нарсанинг кўпи соз», — деган ҳикматни жуда топиб айтганлар.*

* * *

***Барчадин ашрафки, ул инсон эрур —***
***Ким, камолида хирад ҳайрон эрур.***

*Мавжудот ичида барчадан афзали инсондир, унинг ҳар жиҳатдан мукаммал яратилганлигини кўриб, ақл ҳам ҳайрондир.*

* * *

***Бордур инсон зотида онча шараф —***
***Ким, ямон ахлоқин этса бартараф.***
***Бўлмаса фиръавнлигинг пайрави,***
***Қолмас ондин жуз сифоти Мусави.***

*Инсон зоти шунчалик шарафлики, агар у ўзининг ёмон одатларидан қутулиб, Фиръавн каби зулму ситамга берилмаса, Мусо алайҳиссалом каби эзгу сифатларга ошно бўлади.*

* * *

***Бўлди сайёдғау сайдға нафс орзуси қайд,***
***Йўқса, не ул эди сайёд, не бу эрди анга сайд.***

*Овчини ҳам, овни ҳам нафс қутқуси бандга соладди, бўлмаса на бу овчи бўларди-ю, на у бунга ов.*

**Тўпловчи: Э.ОЧИЛОВ**

*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури - амалда*

# КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ

***Қишлоқ хўжалиги, қолаверса фермер-деҳқон хўжалигини ривожлантириш, деҳқон-фермерларнинг малакасини ошириш, турли соҳа мутахассисларини ўқитиш ва тайёрлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йилги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил қарори асосида касб-ҳунар лицейи негизида Қибрай қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ташкил этилди. Тошкент вилояти ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли 900 ўринга мўлжалланган бу коллежда 8 та тайёрлов йўналиши бўйича 700 дан зиёд ўқувчи таҳсил олмоқда.***

Коллежда 2 та ўқув биноси, 3 та ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси ва лаборатория мавжуд. Кўплаб аудиториялар, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, тиббиёт хонаси, ётоқхона талабалар хизматида.

Коллеж барча фанлар бўйича ўқитувчи-мутахассислар билан таъминланган. 32 та муҳандис-педагоглар, бундан ташқари 29 та ишлаб чиқариш таълими ва ҳайдаш бўйича усталар фаолият кўрсатмоқда.

Халқаро ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Жумладан, кимё, физика ва биология, география, астраномия хоналари «Эл» фирмаси ҳамда Япония кредити бўйича олинган жиҳозлар билан таъминланган. Коллежда 5 та лингафон хонаси бўлиб, рус тили ва хорижий тиллар учун мўлжалланган.

Талабаларга чорвачилик, ўсимликшунос, трактор ва автомобил, қишлоқ хўжалик машиналари бўйича махсус фанлар ўқитилади. Чилангарлик, пайвандчилик, двигателларни таъмирлаш бўйича устахоналар, 4 та компьютер ўқув хонаси, спорт зали, спорт майдони, тренажёр хонасида машқ ўтказиш учун барча қулайликлар мавжуд.

Қибрай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи 3 та олий ўқув юртлари — Тошкент Давлат Аграр университети, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Тошкент Давлат педагогика университети билан шартнома тузган. Шартнома асосида кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадида ахборот ва тажриба алмашади.

Коллеж ўқув хўжалиги 16 гектар ер майдонига эга. 10 бош қорамолга мўлжалланган ферма, 0.28 гектар иссиқхонаси бор. Буларнинг моддий самарадорлиги ўз йўлига. Муҳими, бу ишлар талабаларнинг етук мутахассис бўлиб етишишида ҳам асқотади. Бизда ўқиб таҳсил олган талаба камида 4-5 та мутахассислик эгаси бўлиб етишади.

Мамлакатимизда 12 ой давомида ердан унумли фойдаланиш имконияти мавжуд бўлгани учун ҳам қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларига эътибор кун сайин ортиб бормоқда. Фермерлар сони тобора кўпайиб бораётгани, етиштирилаётган маҳсулотларнинг сифат даражаси ошгани, шу билан бирга фермерларга малакали кичик мутахассислар зарурлигини ўз вақтида англаш коллежда хизмат қилаётган ўқитувчи ва усталарнинг ҳам малакаларини оширишга ундамоқда.

Коллежда талаба билан ўқитувчи, талаба билан раҳбар ўртасидаги кўринмайдиган тўсиқни олишга эришдик. Натижа ёмон эмас. Вилоят коллежлари ўртасида ўтказилган "Маҳорат-2006" ярмаркасида иштирок этиб, фахрли учинчи ўринни эгалладик ва қимматбаҳо соврин соҳибига айландик. Талабаларимиз орасидан "Кикбоксинг" мусобақаси бўйича жаҳон чемпиони етишиб чиққанлигини кўпчилик билмаса керак. Коллежимиз бугунги кунда вилоятдаги коллежлар орасида таянч коллеж ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Қибрай туманида 1200 та фермер хўжаликлари вужудга келди. Мутахассис етказиб бериш учун шартномалар асосида улар тавсия қилган ўқувчилари ҳам ўқитмоқдамиз.

Шу кунда коллежнинг 16 гектарлик ўқув хўжалиги майдонида буғдой, серҳосил маккажўхори, лавлаги, сабзи, кунгабоқар, Корея қизил моши экилиб, тажриба ишлари олиб борилмоқда. Талабалар назарий билим олиш билан бирга, танлаган соҳа юзасидан амалий кўникмалар ҳосил қилишмоқда. Таълим соҳасидаги бундай ёндашув талабаларга ўз соҳаларини пухта ўрганишда катта имконият туғдирмоқда.

Мамлакатимизда ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан фойдаланиб, бор имкониятларимизни ишга солишимиз ва келажагимиз пойдеворини янада мустаҳкам қуришга эришишимиз лозим.

**Зокиржон РАСУЛОВ,**
**Қибрай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори**

*Частное предприятие «Шерзод-Фарход Савдо» Чилансарском районе города Ташкента код ОКПО 20391072 — ликвидируется. Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня публикации объявления по* **тел: 400-43-02; 78-43-02**

Ishonch

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - Х.Абдужалилов
Навбатчи муҳаррир - Ғ.Юсупов
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдошев
Навбатчи - Д.Аллақулова

Саҳифаловчи-дизайнер:
З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди: Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 14.908 E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru Буюртма Г— 814

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 20.50